



Fidoiilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 30-iyun, payshanba,
75 (23.642)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Бу дунёда биз
пинҳон сақлайдиган
иккита нозик
нарсa бор:
бири - муҳаббат,
иккинчиси - кўнгил
сири. Иккаласини
ҳам ошкор этганда,
бебурд бўламиз

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz <https://www.facebook.com/zarnews.uz> [@zarnews_uz](https://twitter.com/zarnews_uz) https://twitter.com/zarnews_uz

➤ **Ёшлар ойлиги**

ФЕСТИВАЛЬ ШУКУҲИ САМАРҚАНД ВА НУРОБОД ТУМАНЛАРИГА КЎЧДИ



БИРИНЧИ СЕКТОР "ЗАКОВАТ"ДА ҲАМ БИРИНЧИ

28 июнь куни "Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!" шиори остидаги фестивал тадбирлари Самарқанд туманида давом этди. Тадбирлар одатдагидек, эрта тондан "Соғлом ҳаёт учун беш минг қадам" шиори остидаги юриш марафони билан бошланди.

"Заковат" интеллектуал ўйини бошқа шаҳар ва туманлардагидан ўзгача бўлди. Уйинда 7 жамоа, яъни тўрт сектор аъзоларидан ташқари, ҳоким ёрдамчилари, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ва нуронийлар вакиллари жамоалари иштирок этди. Якунга кўра, биринчи сектор жамоаси ғолибликни кўлга киритди.

- Биринчи сектор жамоасига сардорлик

қилдим, шу билан бирга, барча қатнашчиларнинг иштирокини диққат билан кузатдим, - дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Фирдавс Ғаниев. - Ҳар бир жамоа саволларга жавоб топишда фаол бўлди. Тортишувлар, ўзаро фикр алмашишлар эътиборга молик. Аксарият жамоаларнинг тўплаган якуний баллари бир хил бўлгани иштирокчиларнинг билимли эканлигини дарак берди. Ғолиблар эса қўшимча саволлар орқали аниқланди.

Кечки пайт ўтказилган фестивалнинг якуний гала-концертида тумanning фаол йигит-қизлари, ёшлар бандлигини таъминлашда кўмакдош бўлаётган турли соҳа вакиллари тақдирланди.

20 НАФАР ЎҚУВЧИ ОЛТИН МЕДАЛЬ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Ёшлар фестивали нурободлик йигит-қизларга ҳам қувончли лаҳзаларни ҳаёда этди.

Жорий йилда тумандаги умумтаълим мактабларининг 11-синфини 2079 нафар ўқувчи тугатди. Улардан 12 нафари турли халқаро нуфузли олий таълим муассасаларига мuddатидан олдин ўқишга қабул қилинди.

Фестиваль доирасида туман ҳокимлигида ташкил этилган "Ҳоким ва битирувчи ёшлар" учрашуви нурободлик йигит-қизлар, айниқса, мактаб битирувчилари учун унутилмас лаҳзаларга бой бўлди.

Мактабни муваффақиятли тамомлаётган 20 нафар ўқувчига олтин медаллар

топширилди. Улар орасида Нурободнинг олис қишлоқларидан бири - Терақулда жойлашган 8-умумий ўрта таълим мактаби битирувчиси Абдулазиз Абуҳакимов ҳам бор.

- Бундан икки йил аввал мuddатидан олдин олий таълим муассасаларига ўқишга кирган ёшлар ҳақида эшитиб, ҳавас қилардим, - дейди у. - Кейинчалик устозларимдан сўраб, тушуниб, мен ҳам мuddатидан олдин ўқишга киришни олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Айримлар бундай ўқишларга фақат шаҳар марказларида таълим олаётган ўқувчилар кира олиши мумкинлигини айтганди. Мен ҳам бу ишни уddалаш-

га аҳд қилдим ва Англиянинг "British Management University"га мuddатидан олдин ўқишга кирдим. Бугун эса туманимиз ҳокими Шерали Йўлдошев кўксимга олтин медални тақиб қўйдим.

Фестиваль доирасидаги спорт мусобақалари, маданий-маърифий кечалар, интеллектуал ўйинлар пойтахтдан келган кино ва театр актёрлари, ёзувчи ва шоирлар ҳамда санъаткорлар иштирокидаги маънавият тарғиботи тадбирларига улашиб кетди.

Нуробод туманида ташкил этилган ёшлар фестивали доирасидаги тадбирларни гала-концерт яқунлаб берди.

"Зарафшон" мухбирлари.

ФЕСТИВАЛЬ ЁШЛАР ФОРУМИГА УЛАНИБ КЕТДИ

Самарқанд давлат ветеринария, chorвачилик ва биотехнологиялар университетидида ташкил этилган ёшлар форумида олийгоҳнинг Нукус ҳамда Тошкент филиаллари, университет тасарруфидидаги техникум ва лицейларда таълим олаётган талаба-ўқувчилар ҳам қатнашди.

- Президентимиз томонидан илгари сурилган "Беш муҳим ташаббус" ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йилда 20 дан зиёд турли йўналишдаги клуб ва тўғарақларни ташкил қилган эдик, - дей-

ди университетнинг ёшлар масалалари, маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Алибек Гаппаров. - Талабаларимиз ветеринария йўналишида ўқиётган бўлса-да, театр, рассомчилик, хунармандчилик, адабиёт, мусиқа, спорт каби тўғрақ ва клубларимизда фаол иштирок этди. Шундай иқтидорли талабаларимиз билан фестивал ва республика ёшлар форуми доирасидаги тадбирларни кўтаринки руҳда ташкил этишга эришдик.

Севинч ҒАФФОРОВА.

(Давоми 2-саҳифада) >>>



90 нафар нуроний "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланди

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Васийлик кенгашининг жорий йил 6 майдаги "Меҳнат фахрийси" кўкрак нисони билан тақдирлаш тўғрисидаги қарорига кўра, турли соҳаларда кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган пенсия ёшидаги самарқандлик нуронийлардан бир гуруҳи I, II, III даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нисони билан тақдирланди.

Кеча вилоят ҳокимлигида ушбу кўкрак нисонларини тақдим этишга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов иштирок этиб, кейинги йилларда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган эътибор

ва ғамхўрлик, шунга монанд нуронийларнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар ривожига учун қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапирди.

Сўнгра 90 нафар фаол нуронийларга

"Меҳнат фахрийси" кўкрак нисони ҳамда бир йўла тўланадиган пул мукофотлари топширилди.

- Ёшим 85 да, олтимиш йилдан зиёд вақт давомида ёш авлодга таълим бердим, - дейди I даражали "Меҳнат фахрийси" кўкрак нисони соҳиби, СамДУ профессори Нарзиқул Шодиев. - Ҳар ким кексайганда умр бўйи қилган меҳнати роҳатини кўрсин экан. Шукр, бугун шундай эътирофга сазовор бўлганимдан мамнунман.

Акрам БҮРИЕВ.
Алишер ИСРОИЛОВ (сурат).

"ИНСОН ҚАДРИ"

ОНЛАЙН ПЛАТФОРМАСИ ИШГА ТУШДИ

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида "Тараққиёт стратегияси" маркази ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан "Инсон қадри" онлайн платформаси тақдироти бўлиб ўтди.



Унда порталнинг ишлаш механизми, ушбу лойиҳадан мақсад ва натижалар хусусида маълумот берилди. Шунингдек, бугунги муҳим ижтимоий-сиёсий жараён - "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси"га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонун лойиҳаси ҳақида маълумотлар берилди.

- Энди фуқаролар онлайн платформа орқали аҳоли давлат дастурларида белгиланган чора-тадбирлар ижроси билан батафсил танишиши, тегишли йўналишда амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар юзасидан фикр, таклиф ёки эътирозларини билдириши мумкин, - деди "Тараққиёт стратегияси" маркази ижроси директори Элдор Туляков. - Тараққиёт стратегияси ва давлат дастури ижросини кенг жамоатчиликка тақдим этиб бориш мақсадида онлайн порталдаги маълумотлар мунтазам янгилаб борилади. Бу эса жараённинг шаффоқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тақдимотда Э.Туляков Конституцияга ки-

ритилаётган ҳар бир ўзгартиш ва қўшимчани батафсил шарҳлаб, йиғилганларга 66 та моддага 200 дан ортиқ ўзгартиш ва 6 та янги модда ҳамда унга киритилаётган 16 та янги норма бўйича тушунчалар берди. Тадбирда иштирок этаётган депутатлар томонидан ҳам бу бўйича таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

- Ҳозирда ҳокимлар бир пайтда ҳам ижро ҳокимияти, ҳам халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши раҳбари лавозимида фаолият юритади, - дейди халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Баҳодир Раҳмонов. - Бугун ушбу амалиётдан воз кечилмапти. Бу йўналишда Конституция лойиҳасида алоҳида белгилаб қўйилиши назарда тутилган.

Тадбирда депутатлар, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари иштирок этиб, Конституция лойиҳаси ҳамда "Инсон қадри" онлайн платформаси бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.



"Янги Ўзбекистон - инсон қадри улуғланган юрт"

шиори остидаги тарғибот тадбирлари бошланди

Пойтахтимиздан келган 200 нафарга яқин олимлар, ижодкорлар ва эл суйган санъаткорлар тарғибот тадбирларида иштирок этапти.

Бугун ушбу тадбирлар доирасида Самарқанд шаҳридаги Ипак йўли туризм ва маданий мерос халқаро университетидида "Ўзбекистон қаҳрамонлари" китоб-альбому тақдироти бўлиб ўтди.

- Ушбу китоб тақдироти биринчи марта Самарқандда ўтказилмапти, - дейди Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минхожиддин Мирзо. - Бунинг ўзига хос сабаби шундаки, китобдан ўрин олган 103 нафар Ўзбекистон Қаҳрамонларининг 9 нафари айнан шу заминдан. Аслида қаҳрамонлар бизнинг ичимизда. Улардан ўрнак, ибрат олишимиз, Ватан равнақи йўлида улардек фидойи бўлишга ҳаракат қилишимиз лозим. Бугунги тарғибот тадбирларидан мақсад ҳам шу аслида.

Тадбирлар доирасида Жомбой ва Тойлоқ туманларида ҳам ижодий учрашувлар бўлиб ўтди. Жомбойнинг Каттақишлоқ маҳалласида ўтказилган тадбирда шоир ва санъаткорлар иштирок этди. Тадбир давомида Ватан мадҳига бағишланган шеърлар ўқилди.

Тойлоқ туманининг Бахшитапа маҳалласида ўтказилган тадбирда атоқли ижодкорлар юртимизда инсон қадрини улуғлаш йўлида олиб борилаётган ишлар хусусида мулоқот қилишди.

28 июндан бошланган "Янги Ўзбекистон - инсон қадри улуғланган юрт" шиори остида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар жойларда концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалар, ижодий учрашувлар билан 7 июлга қадар давом этади.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Президентимизнинг 29 июндаги «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги қарори ҳамда "Ёшлар кўни муносабати билан юртимизнинг фаол ва ташаббускор ёш авлод вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига кўра, Янги Ўзбекистонини барпо этиш ва унинг халқаро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, намунали хулқи ва одоби ҳамда ватанпарварлик фазилатлари билан тенгдошларига ҳар томонлама ўрнак, ташаббускор ва етакчи ёшларнинг бир гуруҳи "Мард ўғлон" мукофоти, «Келажак бунёдкори» медаллари билан тақдирланди.

Улар орасида вилоятимиз ёшлари ҳам бор.

"МАРД ЎҒЛОН" мукофоти
Нурмаатов Аслиддин Фазлиддинович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисм гуруҳ командири ўринбосари.

Самадов Азиз Илҳомович - Самарқанд шаҳридаги «Secure Trucks» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

«КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» медаллари
Омонова Нилуфар Жўрабек қизи - Самарқанд шаҳридаги «MIT IT academy» масъулияти чекланган жамияти директори.

Темуров Анвар Ибодулло ўғли - Ургут туманидаги «Sam-Negin» масъулияти чекланган жамияти директори.

YETAKCHILAR FAOLIYATI OMMALASHTIRILYAPTI

Faoliyatini boshlaganiga ko'p bo'lmasa-da, yoshlar muammolarining yechim topishida yetakchilarning o'rni sezila boshladi. Ular eng quyi bo'g'in - mahallada tadbirkorlik g'oyalarini qo'llab-quvvatlash, sportni ommalashtirish, kitobxonlikni targ'ib qilish, yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash va huquqiy savodxonligini oshirish yo'nalishlaridagi ishlarni tizimli amalga oshirishga ko'maklashyapti.

bu yangi tizim. Ayrim yetakchilar hali o'z ishini to'laligicha tushunib yetgani yo'q. Shu sababdan ularning hamkorligini yo'lga qo'yib, samarali ishlayotgan yetakchilarning faoliyatini ommalashtiraymiz. Tanlab olingan yetakchilarning yetmish foizdan ortig'i oliy ma'lumotli. Rustam Ergashev tumandagi faoliyati ommalashtirilayotgan yoshlar yetakchisi. U "Nisbat" mahalla fuqarolar yig'inida yoshlarning chinakam yetakchisiga aylangan. Haftaning har bir kuniga alohida tadbirlar belgilangan, - deydi R.Ergashev. Masalan, bugun chorshanba - tadbirkorlik kuni. Kun davomida mahallada tadbirkorlik bilan shug'ullanayotgan fuqarolar hamda ijtimoiy daftarga kiritilgan yoshlarning bandligini ta'minlash bo'yicha

murojaatlarni o'rganaman. - Rossiyada ishlab kelganimdan so'ng ish masalasida yoshlar yetakchisiga murojaat qildim, - deydi Habibullo Soliyev. - Menga qishloq xo'jaligi uchun ajratilgan maydondan 20 sotix yer berildi. Yarmiga mosh, qolgan yarmiga no'xat ekdim. Hosilni yig'ib olgandan so'ng takroriy ekinga sabzi ekishni rejalashtiryapman. Mahallaning yoshlar yetakchisi kunning ikkinchi yarmida sport majmualari, maktab, kasb-hunar muassasalarida yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazish maqsadida musobaqa va ko'rik-tanlovlar tashkil etadi. Mahalla yoshlari bo'sh vaqtda maktab sport zalida stol tennisi, voleybol o'ynaydi. Voleybolchi qizlar jamoasi tuman hamda viloyat miqyosidagi

musobaqalarda nomdor jamoalardan. - 6-sinfligimdan voleybol to'garagiga qatnashaman, - deydi 11-maktabning 9-sinf o'quvchisi Gulmira Nosirova. - Shu paytgacha jamoamiz bilan yaxshi natijalarga erishdik. Mahallamizga yoshlar yetakchisi kelgach, sportning boshqa turlari ham rivojlanayapti. Sport anjomlari yangilandi. Voleybol musobaqasida tumanda birinchi o'rinni egallab, viloyat bosqichida munosib qatnashdik. Yoshlar yetakchisi lavozimini joriy etishdan maqsad mahallada yoshlar bilan samarali ishlash, ularning ijtimoiy faolligini oshirish hamda hayotda o'z o'rnini topishiga ko'maklashishdan iborat. Bu Nisbat mahallasi yoshlari hayotida o'z tasdiq'ini topyapti.

Sulaymon MARDIYEV.

Айни кунларда мамлакатимизда конституциявий ислохотлар жараёни қизғин паллага кирди. Минглаб фуқароларимиз, нуруний ва ёшларимиз, турли миллат вакиллари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тadbirkorlar, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, умуман, миллат тақдирига бефарқ бўлмаган юртдошларимиз ўз тақлифларини беришда давом этмоқда.

Муҳокамалар расмиятчиликдан йироқ

самимий ва қизиқарли ўтмоқда

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича 25 июндан бошланган Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида Қонунчилик палатаси депутатлари фаоллик кўрсатмоқда. Ҳозирда куйи палатанинг барча депутатлари ўз сайлов округида бўлиб, лойиҳани сайловчилар, электрот вакиллари ва аҳоли ўртасида умумхалқ муҳокамасини ташкил қилишда иштирок этмоқда.

Депутат Улугбек Вафоев томонидан Пайариқ ва Жомбой туманларида худди шундай учрашувлар ташкил қилинди. Расмиятчиликдан йироқ, самимий ўтган мулоқотларда Конституциямига киритилаётган ўзгаришларни фуқароларимиз кўтаринки кайфиятда кутиб олиб, фаол қўллаб-қувватлади.

Ушбу ҳужжатда ҳар бир инсон ўзи, oilasi, маҳалласи, умуман, давлат ва жамиятни йиллар давомида безовта қилиб келган муаммолар ечимини кўраётганига амин бўлдим, - дейди У.Вафоев. - Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юртимиз келажаги, Ватанимиз тақдирини ва келгуси тараққиётимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

Муҳокамаларда нафақат Конституциявий қонун лойиҳаси ҳақида тушунчалар берилмоқда, балки жамоатчилик томонидан лойиҳа юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва тақлифлар ҳар томонлама ўрганилмоқда.

Бу ўз навбатида Бош қомусимизнинг янада пишиқ, пухта, том маънода халқимиз хоҳиш-иродасини ифода этувчи Конституция бўлишига хизмат қилади.

Муносабат



Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга

"Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонун лойиҳасини ўқиб, айрим фикрларимни билдиришни маъқул кўрдим.

Лойиҳада Конституциянинг 27-моддаси 3-хатбошисига қуйидаги ўзгариш киритилаётгани белгиланган: "...Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Суднинг қарорисиз уй-жойдан маҳрум этилишига йўл қўйилмайди. Ҳеч ким шахсининг уй-жойига ёки бошқа мол-мулкига қонунда назарда тутилганидан бошқача ҳолда ва тартибда киришга, тинтув ўтказиши ёки кўздан кечириши амалга оширишга ҳақли эмас".

Дарҳақиқат, Конституцияда фуқароларнинг уй-жойига бўлган ҳуқуқлари дахлсизлиги кафолатланган. Суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинмаслиги керак. Иморат бузилишга тушадиган бўлса, бунинг учун бузишдан олдин унинг қийматиға мос равишда компенсация тўланиши шарт.

Қанчадан-қанча фуқароларимизни ўйлантириб келаятган масала бўйича жуда ҳам оқилона ва адолатли тақлиф бўлибди. Ўзи ва oilasi яшаб турган уй-жойидан, кичик Ватанидан маҳрум бўлиш қанчалик оғир қисмат. Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатда бирор-бир шахсининг мулк қонун асосида суд қарорисиз олиб қўйилиши мумкин эмас. Олинган тақдирда ҳам пули тўлиқ қоплаб берилиши керак. Конституциямизда айнан шундай қоидалар қатъий муҳраниши ҳусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, мулкдор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим сиёсий қадам бўлади. Қолаверса, бу оила ва уй-жой тушунчаларини бир-биридан айро кўролмайдиган халқимиз учун қувончли хабар бўлади, албатта.

Зайнаб ҲАЙДAROVA, Нарпай туманидаги "Меҳнат роҳат" фермер хўжалиги бошлиғи.

FESTIVAL YOSHLARGA nima BERDI?

Taassurot

Viloyatimizning shahar va tumanlarida o'tkazilayotgan "Yangi O'zbekiston yoshlari, birlashaylik!" shiori ostidagi yoshlar festivalida faol yigit-qizlar, yoshlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlashda jonbozlik ko'rsatgan fidoyilar turli yo'nalishlar bo'yicha taqdirlandi. Ulardan ayrimlarining fikrlarini yozib oldik:

Sarvinoz BAHROMOVA, Kattaqo'rg'on tumani Moybuloq mahallasi yoshlar yetakchisi:

- Yoshlar yetakchisi vazifasida ish boshlaganimda avvaliga biroq cho'chigandim. Sababi, mahallamiz tumanning eng olis hududida joylashgan. Bu yerda xatlov natijasida aniqlangan 100 nafariga yaqin ishsiz yigit-qizning bandligini ta'minlash oson emas, deb o'yladim. Ammo mahalla faollari, hokim yordamchisi bilan hamkorlikda ishga kirishdik. Tadbirkorlik qo'lidan keladigan yosh xotin-qizlarimizni topib, bir nafariga qandolatchilik mahsulotlari sexi ochishiga ko'maklashdik. Buning uchun 60 million so'm imtiyozli kredit ajratildi va 3 kishi ishli bo'ldi. Bundan tashqari, yana bir ayolga tikuv sexi tashkil qilishga yordam berildi. U o'z atrofiga o'nga yaqin shogirdini to'plagan. Ikki nafar nogironligi bo'lgan yoshga subsidiya asosida inkubator uskunasi berildi. 46 nafar yoshga 10 yil muddat foydalanishi uchun 50 sotixdan yer ajratildi. Shu va boshqa yordamlar tufayli 5 oy davomida 80 nafar yoshning bandligi ta'minlandi. Yana 10 nafardan ziyod yoshlarimiz hozircha ishsiz. Shu kunlarda ularni ham ishli qilish harakatidamiz.

Tadbirkorlar safi kengayib borgan sari mahallamiz markazi shaharcha ko'rinishiga kelib, obod bo'lyapti. Yoshlarimiz sport va madaniy tadbirlarda ham faol. Yoshlar festivali doirasidagi tadbirda tumanning eng faol yoshlar yetakchisi sifatida taqdirlandim. Bu men uchun kutilmagan sovg'a bo'ldi.

Ibrohim TO'RAQULOV, Payariq tumani:

- O'zim shifokorman, turmush o'rtog'im Noila maktabda boshlang'ich sinf o'qituvchisi bo'lib ishlaydi. Ikkinchi ham juda ko'p badiiy kitob o'qiganmiz. "Yosh kitobxon oila" tanlovida qatnashish uchun 30 ta kitobni o'qib chiqdik. Ular orasida avval o'qiganlarimiz ham bor edi. Takror xotirani kuchaytiradi, deyishadi. Shuning uchun ayrim kitoblarni qaytadan o'qib chiqdik. Natija yomon bo'lmadi. Avvalo, mutolaadan zavq olgan bo'lsak, tanlovning tuman bosqichida birinchi o'rinni egalladik.

Zuhra OCHILOVA, Paxtachi tumani:

- Tumanimizda o'tkazilgan yoshlar festivalida "Eng yaxshi sportchi", deya e'tirof etildim. Minglab tumandoshlarim meni olqishladi. Shu paytdagi xursandchiligim katta musobaqalarda g'olib bo'lganimdagi shodligimdan kam emasdi. Bolaligimdan sportga qiziqishim kuchli bo'lgan. Bir marrani zabt etsam, keyingisi sari intilishim mening muvaffaqiyatlarim kaliti bo'ldi, desam xato bo'lmaydi. Taekvondo bo'yicha ko'plab musobaqalarda qatnashganman va 13 karra O'zbekiston chempioni bo'ldim. Ushbu sport turi bo'yicha 2017-yilda Osiyo chempioni bo'lganim mening eng katta yutuqlarimdan biri. Bu bilan to'xtab qolmoqchi emasman. Hali ko'p bor O'zbekiston bayrog'ini xalqaro maydonlarda baland ko'taraman.

Ulug'bek TO'RAYEV, Bulung'ur tumani, tadbirkor:

- Men 2018-yildan beri rahbarlik qilib kelayotgan "Me'mor" xususiy qurilish korxonasi 1995-yilda otam - Mamarajab To'rayev tashabbusi bilan tashkil qilingan. Korxonada 12 kishi bilan ish boshlagan. Bugungi kunda ishchilar soni 150 nafardan oshgan. Yildan-yilga yurtimizda qurilishlar ko'payib, ishchilarga ehtiyoj ortib boryapti. Birgina shu yilning o'tgan davri mobaynida 110 nafar yoshni ishga qabul qildik. Tumanimizda o'tgan festivalda "Yoshlar bandligini ta'minlashda tashabbus ko'rsatgan yosh tadbirkor", deya e'tirof etildim.

Obloqul XOLJIGITOV, Jomboy tumani:

- Tumanimizdagi Alisher Navoiy nomli mahallada yashayman. Ta'lim tizimida ishlab, pensiyaga chiqqanman. "Bir nuroniy 10 nafar yoshga murabbiy" tamoyili asosida mahallamizdagi yoshlarga to'g'ri yo'l ko'rsatib kelayapman. Menga birlashtirilgan 10 nafar yoshning barchasini ishsizlik muammosi qiyin kelardi. Ularning 4 nafariga ishga joylashishi uchun ko'maklashdim. 3 nafari bankdan imtiyozli kredit oldi. Endi ular tadbirkorlik faoliyatini boshlab, boshqa ishsiz mahalladoshlari uchun yangi ish o'rni yaratyapti. Bundan tashqari, maktabni va oliy ta'lim muassasalarini tamomlayotgan yoshlar bilan ham suhbatlashib, ularga tajribamdan kelib chiqqan holda to'g'ri yo'lni tanlashlariga ko'maklashyapman.



Payariq tumanida yoshlar tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash hamda ishsiz yoshlar bandligini ta'minlash masalalariga alohida e'tibor qaratilmoqda. Jumladan, yil boshida tumanda 3000 nafardan ortiq yosh "Yoshlar daftari"ga kiritilgan bo'lsa, iyun oyi holatiga ko'ra, 2900 nafardan ortiqi daftardan chiqarilgan.

15 SOTIX YER kambag'alni boy qiladimi?

- Tumanimizda 18 yoshdan 30 yoshgacha bo'lgan yigit-qizlar 50 ming 904 nafarni tashkil qiladi, - deydi yoshlar ishlari agentligi Payariq tumani bo'limi boshlig'i Murod Begimqulov. - Ular bilan ishlash bo'yicha yangicha tizim joriy etilib, "Yoshlar dasturi" ishlab chiqilgan. Unga ko'ra, yoshlarni ish bilan ta'minlash maqsadida aksariyatiga yer ajratilmoqda. Jumladan, joriy yilning o'tgan davrida 1714 nafar yoshga 300 gektardan ortiq yer bo'lib berildi. Shuningdek, 415 nafar yigit-qiz doimiy va jamoat ishlariga joylashtirildi. 200 nafariga yaqin yoshga tadbirkorlik qilishlari uchun 4 milliard 670 million so'mdan ziyod kredit mablag'lari hamda 224 nafariga 375 million so'm miqdorida subsidiya ajratildi. Payariqda ishsiz yoshlar bandligini ta'minlash hamda ularning yerdan unumli foydalanishlari uchun yaqindan

ko'maklashilayotgani yaxshi samara berayotganligini ko'rish mumkin. Xususan, tumanning Tomoyrot mahallasidagi ishsiz yoshlarga 15 sotixdan yer ajratilgan. - Qishloq'imizda 2000 dan ortiq yoshlar istiqomat qiladi, - deydi ushbu mahalla yoshlar yetakchisi Rahmon Hasanov. - Mahallada "Yoshlar daftari"da turgan 36 nafar ishsiz yoshga 15 sotixdan yer ajratildi hamda dehqonchilik qilishlari va yerdan samarali foydalanishlari bo'yicha zarur tavsiya, maslahatlar berildi. - O'ildada akam ikkimiz ham ishsiz edik, - deydi Tomoyrot mahallasida yashovchi Shavkat Uralov. - Bizga 15 sotixdan yer berildi. Dehqonlardan maslahat so'rab, loviya ekdik. Hosili yomon bo'lmadi. Hozir oila-azolarimiz bilan mehnat qilyapmiz. Nasib bo'lsa, bu yil 10-15 million so'mdan daromad olishni mo'ljallayapmiz.

F.FAXRIDINOV.

"Yurt sha'ni uchun kurashdim"

Chempionlar faxrimiz

Bugungi kunda qay bir sport turi bo'lsa ham yoshlarimiz xalqaro maydonda Vatan bayrog'ini baland ko'tarib, yuqori natijalarni o'lga kiritmoqda. Ana shunday sportchilarimizdan biri og'ir atletika bo'yicha Osiyo va jahon chempioni Sharofiddin Amriddinovdir.

Sharofiddin Toyloq tumanining Shopo'lat qishlog'ida tug'ilgan. Uning sportga qiziqishida otasining roli katta. Chunki Xurshiddin aka ham yoshligidan sportning bir nechta turlari bilan muntazam shug'ullangan. - Nufuzli turnirlarda qatnashmagan bo'lsam ham milliy kurash, sambo, tosh ko'tarish va qo'l jangi bilan shug'ullanib, tumanda o'tkazilgan musobaqalarda faxri o'rnlarni ko'lga kiritganman, - deydi Xurshiddin aka. - Uyda shug'ullangan paytlarim Sharofiddin ham yonimga kelib, mashg'ulotlarini takrorlardir. Yosh bo'lishiga qarab, qiyin mashqlarni bajarishga urinardi. Ulg'aygan sari sportga qiziqishi ortib bordi. O'g'limning mahoratini ko'rib, 13 yoshida Toyloq olimpiya zaxiralari sport kollejiga olib kelingan. Shu kuni u o'zining vazindan og'irroq toshni ko'tarib, trenerlarni ham hayratda qoldirdi. Tinimsiz mehnati, harakatlari va o'z oldiga qo'ygan maqsadi o'g'limni doim olg'a borishga undadi. U nafaqat O'zbekiston va Osiyo chempionatida faxri o'rnlarni egalladi, balki jahon chempionatida ham yurtimiz bayrog'ini baland ko'tarib, yuzimizni yorug' qildi, ishonchimizni oqladi. O'g'lim bilan faxrlanaman!



Sharofiddin joriy yilning may oyida Gretsiyaning Iraklion shahrida o'tkazilgan og'ir atletika bo'yicha yoshlar o'rtasidagi jahon chempionatida dast ko'tarish mashqida 168 kilogramm natija bilan kumush medalni ko'lga kiritdi. Siltab ko'tarishda esa 204 kilogramlik toshni bo'ysundirib, oltin medalga sazovor bo'ldi. - Gretsiyadagi musobaqa men uchun eng esda qolarli chempionat bo'ldi, - deydi Sharofiddin Amriddinov. - Chunki birinchi marta jahon chempionatidagi chiqishimda chempion bo'ldim. 70 dan ziyod davlatdan 300 nafardan ortiq sportchi ushbu musobaqada ishtirok etdi. Unda yurtimiz sharafini himoya qilgan 6 nafar sportchi bilan umumjamoa hisobida uchinchi o'rinni ko'lga kiritdik. Ammo bu oson bo'lmadi. Dastlabki chiqishlardan keyin belimdan jarohat oldim. Bunday paytda sportchining o'y-xayolida faqat yurt bayrog'ini baland ko'tarishga bo'lgan ishonch va ishtiyok bo'ladi. Ayniqsa, madhiyamizning yangrashini juda istagandim. Shunga qarab, yurt sha'ni, ota-onam, ustozlarim uchun kurashdim. Raqibim armanistonlik Petros Petrosyan men bilan tengma-teng kurash olib bordi. Ammo u birdan og'irlikni 10 kilogramga oshirib yubordi. Albatta, bu bizni biroz o'yantirdi. Lekin biz ham

ustozlar ko'rsatmasiga amal qilib, nafaqat jismonan kuchli ekanligimizni, balki taktika, ruhiyat va kayfiyat jihatidan ham ustunligimizni ko'rsatdik. Yutuq'imiz sabab O'zbekiston madhiyasi dunyoning eng nufuzli musobaqasida yangraganidan xursandman. Sharofiddin bilan suhbatimiz chog'ida birinchi treneri Amrillo Bahriyev va terma jamoadagi murabbiyi Jo'rabek Zoyirovning ko'rsatmalari asosida shug'ullanib, ularning tajribalari tufayli shu darajaga erishganini bot-bot takrorladim. - Hayotda qiyinchiliksiz, mehnatsiz biror narsaga erishib bo'lmaz ekan, - deydi Sharofiddin. - Sportni tashlayman, degan paytda dalda bo'ldi, moddiy tomondan qiyinlangan vaqtlarimda ham yordam berardi. Tinimsiz mehnat, mashg'ulotlar tufayli o'zimiz istagan natijaga erishish mumkinligini ko'p uqtirdim. "Quloqsizlik" qilganlarimda koyiygan. U kishining aytganlariga amal qilib, terma jamoaga qabul qilindim. O'zbekiston, Osiyo chempionatlarini sovindori bo'ldim. Jahon chempionatiga chiqishimda esa terma jamoadagi murabbiyim Jo'rabek Zoyirovning olgan saboqlarim asqotdi. Gretsiyadagi ilk chiqishimda kuchli hayajon bo'ldi. Chunki raqibim reyting bo'yicha mendan yuqorida turgandi. Shu bois biroz cho'chidim, ammo Jo'rabek akaning ko'rsatmalari bilan chempionlik bizning foydamizga hal bo'ldi. Sharofiddin ayni vaqtda Toshkentda o'tkaziladigan yoshlar o'rtasidagi Osiyo chempionatiga tayyorgarlik ko'rmoqda. Shundan so'ng uni Turkiyaning Ko'nya shahrida Islom birdamlik o'yinlari kutib turibdi.

Fazliddin RO'ZIBOYEV.



➔ Бугуннинг гапи

ДАБДАБАЛИ ТУҒИЛГАН КУНЛАР

пулимиз кўпайганидан даракми?

Болалигимда ота-онамнинг туғилган куни қачонлигини билмасдим. Сабаби, уйимизда фақат болаларнинг туғилган куни оила даврасида нишонланарди. Катталар туғилган куни доим "ёддан чиқарди". Бошқа тенгқурларимдан ҳам туғилган кунни дабдаба билан ўтказишни эшитмаганман.

Бора-бора туғилган кунлар оила даврасидан ҳамкасб, синфдош, курсдош, қариндошлар даврасига кўчди. Ҳатто баъзи танишларим туғилган кунини уч кун нишонлагани, ўша пулга бир йигитни уйлантириб қўйса бўлишини мақтаниб айтган пайтлар ҳам бўлди. Ота-оналар боласининг туғилган кунига боғчага, мактабга ширинлик ва ичимликлар келтиришни одатга айлантирди. Қурби етмайдиган оилалар ҳам боланинг кунгли ўксимасин, деб боғчага қарзга бўлса-да, торт олиб келади дегани бўлди.

Хуллас, кейинги йилларда туғилган кунларни нишонлаш шундай авж олдики, ҳатто баъзи ота-оналар атиги бир ёшга тўлган фанзандининг туғилган кунини ресторанда қариндош-уруғ, дўстлари билан тантанали ўтказмоқда. Ачинарлиси, бугун бундай маросимлар одатий тусга айланди.

Яқинда яна бир асаббузар одат ўйлаб топилди. Туғилган кун соҳибини қарнай-сурнай, мусиқа садолари остида, тантанали равишда, соат тунги 12:00 да табриклаш мода бўлаётганмиш. Бир танишим айтиб қолди.

– Кўшни поъездда кун бўйи қандайдир маросимга тайёргарлик қилинди. Атроф тозаланди, гуллар, шарлар билан безатилди. Бу ерда нима бўларкан, деб кузатдим, аммо кундузи ҳеч нарса бўлмади. Кечқурун ухлаб ётганим, баланд мусиқа овозидан уйғониб кетдим. Одамлар ташқарида шовқин қилляпти, кимдир микрофонда кўшни аёлни туғилган куни билан табриқляпти. Бир соат давом этган шовқиндан ҳамма кўшнilar лар уйғонди. Ярим тунда уйқум бузилиб, асабийлашдим. Эрталаб ишга боришим керак, қани энди уйқу келса. Кўп қаватли уйда яшайдиган бошқа одамлар ҳам худди мендек асабийлашса асабийлашдики, асло ҳурсанд бўлмади. Хўш, туғилган куни бўлса, нима бўлибди, шунга ҳаммани безовта қилиб, ярим тунда уйғотиш керакми? Кундузи қилмайдими шу маросимини?

Худди шундай туғилган кун сценарийси қишлоқ жойларида ўтказилаётганини видео-тасвирда кўргандим. Баъзи одамлар нафақа ёшидаги кекса ота-оналарининг туғилган кунини шундай тантанали ўтказишяпти. Ҳозир туғилган кунларни тантанали ўтказиб берадиган гуруҳлар пайдо бўлган. Гуруҳ таркибиде бошловчи, тасвирчи, мусиқачи

ва яна кимлардир бор. Хуллас, келишилган пулни берсангиз, ўша гуруҳ айтилган вақтда, белгиланган манзилга боради. Бу нима дегани? Одамларнинг пули кўпайиб, ақли камайиб кетаётганидан даракми? Ундан кўра, ҳавога сочаётган пулини етим болалар, бева аёллар, кам таъминланган кўп болали оилаларга эҳсон қилса бўлмайди, деб ўйлайсан киши.

Аслида, бундай тадбирлар хорижда юрган, ойда, йилда ота-онасидан хабар ололмайдиганлар томонидан ўйлаб топилди. Дастлаб чет элдагилар яқинларини байрамларда гул ва ширинликлар юбориш орқали табриклашни бастади. Ундан кўра бундай тақлифлар дабдабали кўриниш олди.

Бундан тўрт йил аввал Россияда беш кишилик тўйни кўриб кулгандим (тўғрироғи, ЗАГСни). Негаки, бизда туғилган кунлар ҳам беш киши билан ўтказилмайди-да. Энди ўйлаб қарасам, ўшалар қандай яшашни билар экан. Нима кераги бор ортиқча дабдаба, ортиқча харажатни, дейсан-у, аммо одамларга тушунтиролмайсан.

"ПАЙҒАМБАРИМИЗ ҚАЧОН ТУҒИЛГАНЛАР?"

Биласизми, ислом динида ҳатто пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам туғилган кунлари маълум эмас. Уламолар фикрича, агар Аллоҳ таоло пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг туғилган кунларини одамларга маълум қилганида, мусулмонлар ўша кунни байрамга айлантириб юборишарди. Шунинг учун ҳам тарихий китобларда пайғамбаримизнинг туғилган кунлари ҳар хил санада келтирилган.

Утган асрда газеталар энди чиқа бошлаганда жадид боболаримиз ҳам бизни тантанали тўй ва маросимларимиз хароб қилишни куюниб ёзишган. Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудий шундай дейди: "Тўй ва таъзияга сарф қилинатурғон оқчаларимизни биз, туронийлар илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оверпуйлардек тараққий этаримиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайду".

Ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, бугунги нарх-навонинг ошиши айрим оилаларни қийнаб қўяётганини ёзишмоқда. Биз эса ҳар кун битта пул сочадиган маросим ўйлаб топиб билан оворамиз. Тўйларимиз ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Пандемия сабаб 30 кишилик тўйга рози бўлган халқ бугун яна дабдабали тўйлар ўтказяпти.

Хулоса ўзингиздан, азизлар. Топганимизни билим олишга, фарзандларимизни илмли қилишга сарфламас эканмиз, ризқимизни бошқа давлатлардан излаб юрадиган миллатлигимизча қолаверамиз.

Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Ҳаж зиёрати – фарз

Лекин унга муносиб бўлиш ҳам керак

Ҳаж зиёрати ислом динининг аркони, мўмин-мусулмонлар учун умрининг муайян бир даврида адо этилиши фарз бўлган муҳим амал ҳисобланади. Ҳажга тижорат ёки саёҳатни кўзлаб эмас, балки зиммадаги фарзни адо этиш, гуноҳлардан фориғ бўлиш учун борилади.

Фикҳий китобларда баён қилинишича, ҳаж сафарини адо этишни ният қилган киши бир нечта шартларга риоя этиши лозим. Жумладан, у балоғат ёшида, соғлом ва иқтисодий имкониятларга эга бўлиши керак. Ҳажга отланган инсоннинг мағлаби сафар эҳтиёжидан ташқари, оила аҳлининг шу даврдаги нафақасига ҳам етиши зарур. Шунингдек, йўлнинг хавф-хатарсиз бўлиши ҳам ҳажнинг фарз бўлиш шартларидан биридир. Аёл киши эса юқоридаги шартларга қўшимча равишда фақат махрами билангина ҳаж зиёратини бажариши мумкин. Агар кишида мазкур шартлардан бирортаси бўлмаса, унга ҳаж ибодатини адо этиш фарз бўлмайди, балки

зиммасидан соқит бўлади.

Уламоларимиз ҳаж амалининг қонун-қоидаларини баён қилар экан, киши ҳажга боришга қодир бўлса-да, баъзи сабабларга кўра, унга бу амал макруҳ бўлади дейишган. Жумладан, ханафий мазҳабида ота-она фарзанднинг хизматига муҳтож бўлиб, фарзанд уларнинг хизматини қилиш ўрнига ҳажга отланса, бу амал унга макруҳ ҳисобланган. Шунингдек, тижорат мақсадида, риё, манманлик учун қилинган ҳажнинг савоби бўлмайди. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳам "Амаллар ниятга қараб баҳоланади", деб марҳамат қилган.


Айтиш жоизки, Маккаи муқаррама илгари

қиблагаҳ бўлмаган. Пайғамбаримиз фақат 630 йилда қиблани Қуддусдан Маккага кўчганлигини маълум қилган. У бу хабарни умматига Мадина шаҳрида, кечки намоз вақтида айтган. Ўзи Арабистон ярим оролида яшаган бўлса-да, Пайғамбаримиз умрида бир мартаба ҳаж амалини бажарган экан. Бу воқеа 632 йилнинг 7 апрель кунини амалга ошган. Ушбу ҳаж зиёрати тарихда "Ҳаж ал-кабир" ёки "Ҳаж ал-видо" номи билан кирди. Сабаби, Расуллulloҳ шу сафардан кейин Мадина шаҳрига қайтиб, оламдан ўтди.

Афсуски, бугун айрим ҳожиларимиз билиб-билмай жамоатчиликда "Ҳаж ал-кабир"ни адо этдик", дейишмоқда. Бу нотўғри, албатта.

Хулоса шуки, муқаддас зиёратни адо этиш учун нафақат унинг шартларига мос келиш, балки зарур диний билимга эга бўлиш ҳам зарур. Зеро, ҳаж амалини тўлиқ адо этган шахс буюк мақомга сазовор бўлар экан, умрининг қолган қисмини ҳам шу мақомга муносиб ўтказмоғи керак.

Саид-жамол Мир-ЖАФАРОВ, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети катта ўқитувчиси.



Чўмилиш жойларида нималар тақиқланишини биласизми?

Ҳаво иссиқ кунлари сув ҳавзалари, ариқ ва каналлар чўмилиувчилар, айниқса, таътилга чиққан болаларнинг сеvimли масканига айланади. Бироқ ҳамма жойда ҳам чўмилишга рухсат берилмайди. Чўмилиш тақиқланган жойлардаги нохуш ҳодисалар асосан, чўмилиш қоидаларига амал қилмаслик, болаларнинг назоратсиз қолдирилганлиги оқибатида юзага келади.

Вилоятимиз ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё ва каналлар, сув омбори ва бошқа сув ҳавзаларида болаларнинг эътиборсиз қолдирилиши, маст фуқароларнинг сергакликни йўқотиши, ёшларнинг тақиқланган жойларда чўмилишлари тудфайли фавқулодда вазиятлар кўп учрайди.

Хўш, сиз сув бўйида дам олишни биласизми? Чўмилишнинг тартиб-қоидадини-чи?

Рухсат этилган сув ҳавзаларида кутқарувчи гаввослардан иборат кутқарув постлари ташки этилиши шарт. Шунингдек, сувнинг санитария-гигиена ҳолати талабга жавоб бермаслиги оқибатида фуқаролар турли юқумли касалликларни юктириб олишлари мумкин. Чунки геморрагик иситма касаллигини тарқатувчи каналар кун исмиши билан сув ҳавзалари атрофидаги ўт-ўланларда пайдо бўлади. Бу эса дам олишга чиққан фуқароларга хавф тугдиради. Аксарият сув ҳавзаларида чўмилиш тақиқловчи белгилар ҳам ўрнатилмаган.

Сувда чўмилишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари бор. Болаларни ёки биринчи мартаба сувга тушган катта ёшдагиларни сузишга ўргатиш жойининг чуқурлиги белдан кўкраккача бўлиши керак. Бундай чуқурликда одам оёғи таянч нуқтага эга бўлади. Ёз ойларида фарзандлари-

мизни сузишга ўргатиш вақтинчи тўғри танлаш керак. Айрим ота-оналар куннинг иссиқ пайтида соат 13:00-15:00 гача чўмилишга рухсат беришади. Аслида эса эрталаб соат 10:00 дан 12:00 гача ва кечқурун соат 17:00 дан 19:00 гача чўмилиш фойдали. Чунки куннинг бу вақтларида кўёшнинг ультрабинафша нурлари кўп бўлади. Чўмилиш 25 минутгача давом этиши мумкин. Унда боланинг ёши, сузишга тайёргарлиги, сувнинг ҳароратига эътибор бериш лозим. Агар сувнинг ҳарорати 16 даражадан паст бўлса, чўмилиш керак.

Чарчаган, оч ёки маст ҳолатда бўлсангиз, яхшиси сувга тушмаганингиз маъқул. Чўмилиш жараёнида томир тортишиб қолса, кўп панжалари томирлари тортишганда тез ҳаракат қилиб, куч билан кафтни муштга бирлаштиринг, кескин ҳаракат билан қабди очинг ва яна муштланг. Болдир мушаги тортишганда, қўлингиз билан тортишган оёғингиз тағини ушлаб олинг ва куч билан ўзингизга тортинг. Тос мушаклари тортишганда, оёғингизнинг тўпигидан ташқи томондан ушлаб олинг ва уни тиззада букиб, орқага, елка томонга тортинг.

Санжар ОДИЛОВ, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ўқув маркази ўқитувчиси.

➔ Қишлоқларимиз тарихидан

Қадимий юртимиз бой ва бетакрор тарихга эга. Мамлакатимизнинг қаерига борманг, албатта, муқаддас зиёратгоҳ, тарихий ёдгорлик ёки ишга хос бунёдкорликка дуч келасиз. 150 мингдан ортиқ аҳоли яшаётган Нуробод туманида ҳам шундай меъморий ёдгорликлар, муқаддас қадимжолар мавжуд. Жумладан, тумanning 7 мингга яқин аҳолиси истиқомат қилаётган Ағрон қишлоғи тарихи узоқ ўтмишга қориб тақалади. Қишлоқ ҳудудида жойлашган Усмон ота қабристонига олиб борилган археологик тадқиқотлар бу фикримизни тасдиқлайди.

Ағрон — қадимий маскан

Қабристон жойлашган тепалик V-VII асрларда, Турк хоқонлиги даврида мустаҳкам ҳарбий қалъа ва кўчманчи-чорвадор аҳолининг савдогарлар билан савдо-сотик қиладиган манзили бўлган. Бу ҳақда 2017 йил археология институти олимлари Амридин Бердимуродов, Самариддин Суёнов билан ҳамкорликда археологик тадқиқотлар олиб бордик.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, бу қалъа бир пайтлар гавжум жой бўлиб, ҳарбий истеҳком вазиқасини бажарган ҳолда муҳим савдо маркази ҳам ҳисобланган. Қўшни Тим, Саҳоба қишлоқларидан йўл олган савдо қаровонлари учун қўнмиғоҳ сифатида хизмат қилган. Қалъанинг пастки қисмидан Қўрғонча, Булоқбоши қишлоқлари жойлашган тоғдан бошланувчи Ингичкасой оқиб, Қашқадарё вилоятининг Косон тумани ҳудудига-ча бориб етган.

Усмон ота қабристонига лойи пишириладиган хумдон қолдиқларининг топилгани бу ерда ҳаёт қизгин давом этганидан далолат беради.

Қалъадан унча узоқ бўлмаган масофадаги Сариктепа ёдгорлигидан яқинда V-VII асрларда дафн этилган турк жангчисининг қабри топилди. Жангчи туркий халқлар одатига кўра, қурол-яроғи ва оти билан дафн этилган. Қабрдан топилган камон ўқлари, сопол идишлар ва от суяги қолдиқлари ўша давр хунармандчилиги ва маданиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Жангчининг сополдан ясалган сувдонни яхши сақлаган. Сувдоннинг бир тарафи белга ёки отга боғлаб юриш учун ясси, силлиқ қилиб ясалган.

Мовароуннаҳр ҳудудида араблар ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва

ислом динининг тарқалиши билан бу қалъанинг аҳамияти янада ортган. Араб халифалиги ҳукмдорлари қалъада туриб, ислом динини кенг ёйган. Доимо одамлар билан гавжум бўладиган бу маскан ўзaro мулоқот қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда уларга қўл келган. Кўчманчи чорвадор, лалмикор деҳқончилик ва савдо ишлари билан шуғулланувчи аҳоли ўртасида ислом динини тарғиб қилиш бўйича ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида Тим қишлоғида Марказий Осиёдаги илк диний марказлардан бири – Араб ота макбараси вужудга келган. Афсуски, бу диний марказ фаолияти ҳақида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Усмон ота қабристонига кўплаб диний уламоларнинг дафн этилганини маскандаги X-XIII асрларга тегишли қайроқтошлар, XIV-XVI асрларга оид мрамор қабр тошлари исботлайди.

Жорий йил археология институти олимлари Алишер Сандибоев, Комил Раҳимов, Азбиддин Холматов Тим ҳамда Чангалли қишлоқларида олиб борган археологик изланишлари натижасида IX-XII асрларга оид араб манбаларида Абғар (Ағрон) русток сифатида тилга олингани ва у Дарғом рустоқида туташ бўлганлиги ҳақида хулоса билдиришди. Араб манбаларида келтирилишича, "Абғарнинг ўтлоқлари Мовароуннаҳрдаги бошқа ўтлоқлардан ортиқроқ. Агар экинлари зарар кўрмаса, бутун Сугд ва Бухоро учун икки йилга етади". Шунингдек, Абғарнинг ери лалмикор бўлса ҳам унинг қишлоқларида аҳоли кўп, одамларнинг асосий бойлиги чорвачилик бўлгани қайд этилган.

Холмурод СОРИЕВ.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

1 ИЮЛЬ
Аваз ЭРҒАШЕВ – (1947-2018) Жомбой туманида туғилган. Ўзбекистон Қаҳрамони.

3 ИЮЛЬ
Нусрат РАҲМАТ – 1941 йилда Самарқанд туманида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Яхши китоб ерда қолмайди

Ҳозир китоб ёзиш "осон" бўлиб қолди. Пул бўлса бўлди, хоҳлаган жойдан, хоҳлаганча чиқариш мумкин. "Сал қоғоз қораланг, қолганини биз қиламиз", дейдиганлар ҳам кўп. У ёқ-бу ёғи тўғриланяпти-да, "мана сизга китоб" деб қўлингизга тутқазилляпти.

"Олдин ўзингиз китоб ёзинг, кейин гапирасиз", дейишингиз мумкин. Аммо китобларнинг савияси, маънавий озиғи ҳақида ҳам кимдир гапириши керак-ку?!

Яқинда бир мактаб ўқувчиси:
- Ака, сизнинг нечта китобингиз чиққан? - деди.
- Насиб бўлса, чиқиб қолар, - дедим.

- Мен эса китоб чиқариб, тақдими-тини ҳам ўтказдим. Иккинчи китобим нашрга тайёр.

Очиги, у ёзган китобни кўриб, ҳафсалам пир бўлди. Бола "сал қалам тебратилса, китоб чиқариш мумкин", деган ҳаёлда юрибди.

- Китоб чиқариб, пул топаман деб ўйлагандим, - дейди таниш ижодкорлардан бири. - Мактабларга

тарқатдим. Пулини ҳеч йиғиб ололмаяман. Бир бордим, икки бордим, "Эрта келинг, индин келинг"дан нарига ўтмайди. Энди сўрашга уял-япман.

Олий ўқув юртида ўқиб юрган пайтимизда айрим домларлар имтиҳон баҳона китобларини талабаларга пуллаларди. Баҳо олиш илжинида илож-сиз сотиб олардик.

Яхши китоб ерда қолмайди. Китоб чиқараётганларнинг ҳалоти бўлсин. Лекин уларда савия, ғоя, тарбиявий аҳамият ҳам бўлиши керак-да!

Хусниддин ХОЛДОРОВ.



MATBUOT UYI

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 150 nusxada chop etildi. Buyurtma ... Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.

Navbatchi: T.SIDDIQOV.

Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X

9 1772010667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda